


## I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 17091 тани ташкил қилди. Улардан 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида 1943 та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 131,4 фоизга кўпдир).

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йил январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,0 фоизи), савдо соҳасида (26,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (14,1 фоиз) ва қурилишда (5,4 фоиз) ташкил этилган.


2017 йил январь–сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,5 фоизи (2016 йил январь–сентябрда 67,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь–сентябрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 847,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,9 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 556,3 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 141,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

-121,8 млн. АҚШ доллары (умумий экспорт ҳажмининг 90,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 234,0 млн. АҚШ доллары (умумий импорт ҳажмининг 90,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши (2017 йил январь–сентябрь ҳолатига фоизда)**



### **Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг улуши**

|                                 | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i> |
|---------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2471,7                                                                       | 99,7                                                                                                  |
| Саноат                          | 2000,5                                                                       | 71,5                                                                                                  |
| Курилиш                         | 1091,2                                                                       | 56,8                                                                                                  |
| Чакана савдо                    | 4203,7                                                                       | 91,9                                                                                                  |
| Юк ташиш, млн тн.               | 31,7                                                                         | 82,4                                                                                                  |
| Йўловчи ташиш, млн.киши         | 296,8                                                                        | 97,2                                                                                                  |

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан 2471,7 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми (кўрсатилган хизматлар) ўтган йилнинг тегишили таврига нисбатан ўсиш суръати 105,3 фоизга (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,1 фоизи) ўсди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2000,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 71,5 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 103,7 фоизга ўсди;

- 955,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 50,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 101,8 фоизга ўсди;

- 1091,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 94,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 102,6 фоизга кўпайди;

- чакана товар айланмаси 4203,7 млрд. сўм, умумий ҳажмнинг 91,9 фоизи ёки 102,1 фоизга ўсиш билан, хизматлар умумий ҳажми 3594,7 млрд. сўм, мос равища 72,4 фоизи ёки ўсиш суръати 117,4 фоизни ташкил этди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 105,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 97,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 108,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 93,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;